


Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги
Тошкент темир йўл мухандислари институти

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси



Химоя қилишга рухсат берилсин

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»

Кафедраси мудири

И.ф.н., доц. С.М. Султанова


«__» _____ 2016 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: 14- сонли рельспайвандлаш поезда” Унитар корхонасида солиққа
тортиш тизимининг бухгалтерия ҳисоби ва аудити

Таълим йўналиши: 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”

(темир йўл транспорти)

Битирувчи: Д.Ғ. Матчанов

Раҳбар: А.А. Бойматов

Тақризчи: Е.В. Негматова

Тошкент – 2016 й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги
Тошкент темир йўл мухандислари институти

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси



Химоя қилишга рухсат берилсин

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»

Кафедраси мудири

И.ф.н., доц. С.М. Султанова

«__» _____ 2016 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Мавзу: 14- сонли рельспайвандлаш поезди” Унитар корхонасида солиққа
тортиш тизимининг бухгалтерия ҳисоби ва аудити

Таълим йўналиши: 5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”

(темир йўл транспорти)

Битирувчи: Д.Ғ. Матчанов

Раҳбар: А.А. Бойматов

Тақризчи: Е.В. Негматова

Тошкент – 2016 й.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг
мажлисида

ТАСДИҚЛАНГАН

кафедра мудири

доц.Султанова С.М,

« » 2015 й.

«БАКАЛАВР» квалификацияси даражасини бериш учун
тайёрланган битирув ишига

ТОПШИРИҚ

Талаба: Матчанов Дилшод Ғуломович

Мавзу: «14- сонли рельспайвандлаш поезда» корхонасида солиққа тортиш тизимининг
бухгалтерия ҳисоби ва аудити

1. Қўйилган мақсад:

- 1.1. Корхона хўжалик фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичларни ўрганиш.
- 1.2. Корхонада амал қиладиган солиқлар ва уларнинг корхонада молиявий фаолиятини ўрганиш.

2. Дастлабки маълумотлар:

- 2.1. Корхона Низоми;
- 2.2. Корхонанинг иқтисодий-хўжалик кўрсаткичлари таркиби (2013, 2014, 2015 йиллар);
- 2.3. Корхонанинг 3-М шакл статистик ҳисоботи (2013, 2014, 2015 йиллар);
- 2.4. Корхонанинг ҳисоб сиёсати;
- 2.5. Корхонанинг молиявий ҳисоботлари (2013, 2014, 2015);
- 2.6. Корхона тўлайдиган солиқлар бўйича ҳисоботлар (2013, 2014, 2015 йиллар);
- 2.7. Корхонадаги солиққа тегишли қайдномалар.

3. Иш мазмуни:

- 3.1. Тушинтириш варақаси.

Бўлимлар номи	Ҳажми %	Бажариш муддати
Сўз боши	5	январ
I.Боб. «14- сонли рельспайвандлаш поезда» корхонаси асосий молиявий-фаолияти кўрсаткичлари таҳлили	40	Феврал
1.1. Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг тавсифи.	15	
1.2. Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.	15	
1.3. Корхонада солиққа тортиш тизими ва унинг таҳлили.	10	
II.Боб. «14- сонли рельспайвандлаш поезда» корхонаси солиқ тизимининг бухгалтерия ҳисоби ва аудити	30	Март
2.1 Корхона томонидан тўланадиган умумдавлат солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити.	15	
2.2. Корхона томонидан тўланадиган маҳаллий солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити	15	
III.Боб. «14- сонли рельспайвандлаш поезда» корхонасининг солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш йўллари.	25	апрел-май
3.1.Корхонада солиқ тизими ва молиявий натижалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги.	15	
3.2. Корхонанинг солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш йўллари.	10	
Хулоса ва таклифлар	5	
Тавсия қилинадиган адабиётлар		
Битирув иши ҳимояси.		июнь

Тавсия қилинадиган адабиётлар

1. Каримов И.А «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш натижалари ва 2016 йилги вазифалар тўғрисида».
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси- Тошкент. 2015 йил.
3. « Темир йўл транспорти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1999 й.
4. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2015 йилги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш натижалари ва 2016 йилги вазифалар тўғрисида» Тошкент. Темирйўлчи, 2015
5. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси –Тошкент. 2014 йил.
6. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда Молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” 54- сонли Низом, 1999 йил, 5 феврал
7. “Бухгалтерия ҳисобида доир низомлар”-Тошкент. 2014й.
8. Красов А.П. «Бухгалтерский учет основной деятельности железных дорог»- М.Транспорт, 2008 й.
9. Гуломов Ф.Ф, “Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма”-Тошкент. 2010 й.
10. А.В. Вахобов, А.Т. Иброхимов, Н.Ф. Ишонкулов “Молиявий ва бошқарув таҳлили” –Тошкент. 2005й.
11. Н.И Силаев, Ф.К.Абдуллаева “Анализ хозяйственной деятельности предприятий железнодорожного транспорта” -Тошкент. 2010 г.
12. Каримов А, Исмоилов Ф, Авлоқулов А, «Бухгалтерия ҳисоби» -Тошкент. 2004й.
13. И. Очилов, Ж. Қурбанбаев “Молиявий ҳисоб” – Тошкент. 2004й.
14. М. Тўлахўжаева “Аудит” 1, 2 том. –Тошкент. 2008 й.
15. Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. - Тошкент. 2007 й.
16. Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувахидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Тошкет. 2007 й
17. Жўраев М.Ж., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д.А. Молиявий ва бошқарув ҳисоб -Тошкент. иқтисод-Молия Дарслик. 2010й.
18. Э.Ф. Гадоев, И.Х. Голишева, Ш.У. Хайдаров “Фойда солиғи” –Тошкент. Норма. 2011й.
19. Э.Ф. Гадоев, И.Х. Голишева, Ш.У.. Хайдаров “Билвосита солиқлар” - Тошкент. Норма. 2011й.

Интернет сайтлари:

1. www.stat.uz
2. www.tashiit.uz
3. www.ziyonet.uz
4. www.lex.uz
5. www.norma.uz
6. www.soliq.uz

Битирув малакавий иш раҳбари

Битирувчи талаба:

Топширик берилган вақти:

Топшириқнинг бажариш муддати:

Байматов А.А

Матчанов Д.Ғ

«__» декабр 2015й.

«__» июн 2016й.

КИРИШ

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида кўплаб иқтисодий ютуқларга эришилди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажми, ташқи савдо миқдори, экспорт салоҳияти муттасил равишда йилдан йилга ошиб бормоқда. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида диверсификация ишларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мамлакат олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Авваламбор бунда, солиқ тизимини янада такомиллаштириш, солиқ турларини ҳамда уларни ҳисоблаш механизмини соддалаштириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш сиёсати солиқлар тизимини ҳам ҳар томонлама эркинлаштиришга шароит яратмоқда. Сўнгги йилларда солиқ тизими борасида ислохотлар ва кўшимча чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита - электрон шаклда амалга оширмоқда.¹Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 7,5 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Республикамиз 2015-йилда солиққа тортиш борасида жаҳон мамлакатлари ичида 61 поғона юқорига кўтарилди. Ўзбекистон

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи. 2015-йил 16-январь.

Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг принципиал муҳим устувор вазифа сифатида белгиланиши, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги устувор вазифаларнинг бажарилиши айнан солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгани айни пайтда жуда муҳимдир.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ умумдавлат солиқларини тўловчи юридик шахс ҳисобланади. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда солиқлар марказлаштирилган ҳолда тўланади. Барча Минтақавий темир йўл узеллари томонидан ҳисоботлар қабул қилинади ва шунга асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоб китоби олиб борилади. Таъкидлаш жоизки компания солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни доимий ва мунтазам равишда тўлаб келмоқда.

Битирув малакавий ишининг долзарблиги шундаки, солиқлар корхона учун бу харажатлардир, шунинг учун уларни тўғри ҳисоб-китоб қилиш, имтиёзлар билан фойдаланиш, бу харажатларни қисқартиришга ва шу орқали корхона фойдасини кўпайишига олиб келади.

Битирув малакавий ишининг ўрганиш объекти бўлиб “14- сонли рельспайвандлаш поезда” унитар корхонаси ҳисобланади.

Битирув малакавий ишини ёзишдан мақсад:

- ❖ Хўжалик фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичларни ўрганиш;
- ❖ Корхонада амал қиладиган солиқлар ва уларнинг корхона молиявий фаолиятига таъсирини ўрганиш.

Мақсаддан келиб чиққан ҳолда мавзунини ёритишда қуйидаги вазифалар ечилди:

1. Корхона хўжалик молиявий фаолияти таҳлили ўтказилди;
2. “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонаси тўлайдиган солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити ўрганилди;

3. “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонасида солиқ юкини оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқилди.

Битириув малакавий ишини ёзишда қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонуни;
- Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари;
- Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақасини режаси;
- Ўзбекистон Республикасини бухгалтерия ҳисобини бошқарувчи меъёрий ҳужжатлар;
- Ўзбек ва чет эл иқтисодчи олимларнинг асарларидан фойдаланилди.

Бундан ташқари битирув малакавий ишини ёзишда “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонасига тегишли бўлган қуйидиги ҳисоб маълумотлардан фойдаланилди:

- Корхона низоми;
- Корхонанинг иқтисодий - хўжалик кўрсаткичлари таҳлили;
- Корхона ҳисоб сиёсати;
- Корхона тўлайдиган солиқлар бўйича ҳисоботлар;
- Корхонадаги солиққа тегишли қайдномалар.

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар қисмидан ташкил топган. Биринчи боб. “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонаси асосий молиявий-фаолияти кўрсаткичлари таҳлили деб номланган бўлиб, унда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятининг тавсифи, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили ва корхонада солиққа тортиш тизими ва унинг таҳлили келтирилган.

Иккинчи боб “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонаси солиқ тизимининг бухгалтерия ҳисоби ва аудити деб номланиб, унда корхона тўлайдиган солиқлар таркиби келтирилган.

Учинчи боб “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонасининг солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш йўллари бўлиб, унда корхонанинг молиявий натижасига таъсир этувчи солиқ юкини ҳисоблаш, солиқ юкини оптималлаштириш йўллари келтирилган.

Якуний қисмда битирув малакавий иши бўйича олиб борилган ишлар натижасида ҳосил бўлган хулоса ва таклифлар ифода этилган.

I.Боб. “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонаси асосий молиявий фаолияти кўрсаткичлари таҳлили

1.1 Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг тавсифи

Мамлакатимизда солиқ тизимини такомиллаштириш иқтисодий тартибдор барқарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга дахлдор қатор муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий тартибдорлаштириш ва модернизациялаш шароитида солиқлар ислохотлар жараёнининг таркибий қисми, ички ҳаракатлантирувчи омилига айланди. Шундан келиб чиқиб, солиқ тизими ўзига хос вазифани тўла даражада бажариши ислохотлар муваффақиятини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ Кодекси”ни 2008-йил 1-январдан кучга киритилиши солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари белгилаб бериш билан қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар солиқ юкини янада камайтиришга, тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, виждонли солиқ тўловчиларни, уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашидан ҳимояланишни кучайтириш, жиноий ва маъмурий жазоларни еркинлаштириш, самарали солиқ тизими таъминловчиларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёналтирилган. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча тармоқ корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кўрилатган чора-тадбирларда хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга кенг эътибор қаратилган.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган транспорт инфратузилмаси ислохотлари орасида Тошкент шаҳридаги “14- сонли рельспайвандлаш поезда” Унитар корхонаси ҳам сезиларли даражада ўз аҳамиятига эга. “Ўзбекистон темир йўллари” акцидорлик жамиятининг 2015 йил 4 августдаги 308- Н сонли

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси тўғрисида” ги буйруғининг 1 иловасига мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг унитар корхонаси ҳисобланади. Корхона фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, темир йўл транспортида ҳаракат ҳафсизлигини назорат қилиш Давлат инспекцияси қарорлари, юкларни ташиш Қоидалари, “ЎТЙ” АЖ бошқарув раиси буйруқлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек корхона низоми асосида амалга оширилади. “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонасининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- ❖ эски рельсларни таъмирлаш ва пайвандлаш;
- ❖ рельсларни пайвандловчи қўшма машиналар билан темир йўлларга ўрнатилган рельсларни эритиш ва пайвандлаш;
- ❖ темир йўлнинг йўл ҳўжалиги учун рельсларни пайвандлаш ишларини бажариш;
- ❖ ишлаб чиқариш мақсадлари учун ва халқ истеъмоли молларини тайёрлаш;
- ❖ аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш;
- ❖ Корхоналар, ташкилотлар, идоралар ва бошқа ҳўжалик объектларига пуллик маслаҳат, илмий-тадқиқот ишлари ва хизматларини кўрсатиш;
- ❖ Савдо-харид қилиш ва воситачилик фаолиятларини амалга ошириш;
- ❖ юк ортиш- юк тушириш ва манёврли ишларни амалга ошириш;
- ❖ темир йўл техникаси, йўл автотранспорти ва бошқа кўринишидаги техникаларини таъмирлаш- тиклаш ишларини амалга ошириш;
- ❖ қурилиш материаллари ва дурадгорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- ❖ йўл ҳўжалиги мутахассисларининг ва оммавий касб ходимларининг

малакасини ошириш, тайёрлаш ва ўқитишни амалга ошириш;

- ❖ хўжалик субъектлари ва аҳолига транспорт хизматларини ва амалдаги Ўзбекистон қонунларига зид бўлмаган хизматларни кўрсатиш кабилар киради.

Корхона асосий вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаришини таъминлайди:

1. Ишлаб чиқариш жараёни доирасида:

- а) Барча техник жиҳозларни шай ҳолатда тутиш;
- б) Ёнгин хавфсизлиги ва транспорт воситаларини хавфсизлигини таъминлаш;
- с) Корхона таркибидаги бўлинмаларни ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
- д) Давлат сирларини ва хизматига таълуқли маълумотларни тарқалишини олдини олувчи чора-тадбирларни кўриш;

2. Иқтисодий ва молия соҳасида:

- а) корхонанинг барча фаолият турлари бўйича молиялашни ташкил қилиш;
- б) корхона Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби ҳақида” ги қонуни бўйича бухгалтерлик ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритиш. Молиявий ва статистик ҳисобни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга ошириш;
- с) ўта муҳим бўлган варақларни сақлаш;
- д) кўрсатилган хизматлар учун барча тўловларни ўз вақтида тўлиқ ундуриш;
- е) дебиторлик қарзларни ва уни тугатилишининг назорат қилиш ва унуи ҳисобга олиш, дебиторлик қарзларни ундуриш бўйича ҳужжатлар тайёрлаш ва уни хўжалик судига ошириш;
- ф) корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини тузиш;
- х) транспорт техника воситаларини ҳамда иморат ва иншоотларни таъмирлашни ташкил этиш;

- и) корхона ходимларининг иш ҳақлари ва мукофотлаш системаси ва турларини аниқлаш, ҳамда бу ишларни назорат қилиш;
- ж) дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни тузиш ва уни бажариш;
- к) корхона ходимларни мукофотлаш Низомини тасдиқлаш;
- л) хўжалик судлари ва бошқа давлат органларида корхона ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш;
- м) корхона балансини тузиш ва уни керакли давлат органларига тақдим қилиш;

3. Техник сиёсат соҳасида:

- а) янги техник ва технологияларни, илғор тажтибаларни жорий этиш, ихтиро, рационализаторлик ва патент-лицензия этиш фаолиятини ривожлантириш;
- б) атроф муҳитни зарарли чиқиндилардан сақлаш ва экологик тоза технологияларини, жараёнларини ва зарарли чиқиндиларни камайтирадиган транспорт воситаларини жорий этиш;

4. Кадрлар, меҳнат ва ижтимоий масалар соҳасида:

- а) ходимларни саралаш, уларни хизматда ўсишини, маъсулятни оширишни, рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофазаси шароитларни яратишни таъминлаш;
- б) корхона еҳтиёжи асосида кадрларни касбий ва иқтисодий ўқитишни ташкил этиш;
- с) ўқув муассаларида мутахассислар ва оммавий касблар бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;
- д) самарали кадрлар сиёсатини ўтказишни таъминлаш;
- е) поездлар ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлган корхона ходимларнинг алоҳида тоифаси учун дам олиш вақти ва иш вақти режимини таъминлаш;
- ф) корхона ходимлари аттестациясини ўтказиш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, меҳнат ва техник хавфсизлигини ҳамда уларни медицина кўригидан ўз вақтида ўтказишни таъминлайди.

Юқорида санаб ўтилган вазифалардан ташқари, корхона темир йўл транспорти объектларидан фойдаланиш қоидалари, манёвр ишлари ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш талабларини бажаради.

1.2. Корхона молиявий- хўжалик фаолиятининг кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили

Корхонанинг устав жамғармаси корхона мулки асосида шаклланади. Корхона устав жамғармасининг миқдори 1353886 минг сумдан иборат. Корхона мустақил балансида ҳисобга олинадиган ва хўжалик юритиш ҳуқуқини берадиган, амалдаги қонунлар доирасида егалик қиладиган, фойдланадиган ва бошқарадиган мулкига ега. Корхона мулкини корхона балансида турган асосий ва айланма маблағлар, пул ва бошқа маблағлар

Корхонанинг устав жамғармаси корхона мулки асосида шаклланади. Корхона устав жамғармасининг миқдори 1353886 минг сумдан иборат. Корхона мустақил балансида ҳисобга олинадиган ва хўжалик юритиш ҳуқуқини берадиган, амалдаги қонунлар доирасида егалик қиладиган, фойдланадиган ва бошқарадиган мулкига ега. Корхона мулкини корхона балансида турган асосий ва айланма маблағлар, пул ва бошқа маблағлар ташкил қилади. Корхона балансидаги мулк егаси “Ўзбекистон темир йўллари” Аксиядорлик жамияти ҳисобланади.

Корхона мулки қуйидаги маблағдан ҳосил бўлади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа хўжалик фаолият турлари ҳисобига олинган даромадлар;
- банк кредитлари ва бошқа кредитлар;
- “Ўзбекистон темир йўллари” Аксиядорлик жамияти томонидан корхона балансига ўтказилган мулклар.

Амалдаги қонунчиликка норматив- ҳуқуқий далолатномаларга асосан корхона ўзининг фаолиятининг тезкор, молия статистик ҳисобини олиб боради. Корхона амалдаги қонунчилик ва ўрнатилган тартиб бўйича ҳисобот ва малумотларни солиқ идораларига, “ЎТЙ” АЖ корхонасининг назорат етувчи органларига ва статистика органларига тақдим қилинади. Корхона фаолиятининг назорати ички ва ташқи аудит ҳисобига амалга оширилади. Корхонанинг молиявий- ҳўжалик фаолиятинг аудити “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ молия ва назорат органлари томонидан амалга оширилади. Ташқи аудит амалдаги қонунларга мувофиқ шартнома асосида аудиторлим ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Қуйидаги 1.1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнгги уч йилда корхона фаолиятида сезиларли даражада ўсиш кузатилган. Унга кўра маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2013- йилда 4915524 минг сўмни, 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 37,21% га кўп бўлиб, 6744719 мингсўмни ташкил қилган. 2015-йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8066572 мингсўмга етиб бу 2014-йилги иш ҳажмига нисбатан 19,6% га кўпдир. 2013-йилда жами 661,1 км/й рельс пайвандланган бўлиб, бу 2014- йилда эса 1,72% га кўп, яъни 672,44 км/й бажарилган. Жумладан, 596 км/й АРТ-500А машинасида бажарилган бўлиб, 2015-йилда эса 42,2% камайган. ПРМС-3 дефектаскоп мошинаси текшируви 2013-йилда 135км/йўл бажалиган бўлиб, бу 2014- йилга нисбатан 1,13 % га кам, 135,18 км/йўл ни ташкил қилган. 2015- йилда эса 141,84 км/йўл , яъни ўтган йилга нисбатан 5,06% га кўп бажарилганини кўришимиз мумкин. 2013-йилда 262 та стационар крестовиналар ўрнатилган бўлиб, бу 2014- йилга нисбатан 18 тага яъни 6,87 % га кўп, 2015 йилда эса 2014 йилга нисбатан 3,9% га кўп бажарилган бўлиб 291 тани ташкил қилган. Йўлдаги крестовиналар тамири 2013- йилда 2316 тани ташкил қилиб, 2014 йилга нисбатани 11,83% га яъни, 245 тага кўп. 2015- йилда эса 2494 та таъмирланган бўлиб, бу 2014-йилга нисбатан 7,68% га яъни 178 тага

кўплигини кўришимиз мумкин. 2013 йилда Ангрен- Поп темир йўл линиясини учун 57,863 км/йўл янги релс пайвандланди. Бу 2014 йилга нисбатан 219,6% га кўп. 2015- йилда эса ўтган йилга нисбатан 59,05 % кам яъни 23,695 км/йўл пайвандланган.

1.1-жадвал

“14- сонли рельспайвандлаш поезда” Унитар корхонаси иқтисодий кўрсаткичлари

таҳлили, мингсўм

Кўрсаткичлар	Йиллар			2014-йил 2013-йилга нисбатан		2015-йил 2014-йилга нисбатан	
	2013	2014	2015				
				мутлоқ	нисбий	мутлоқ	нисбий
1.Товар ишлаб чиқариш хажми: минг.сум							
2.Маҳсулот сотиш хажми минг.сум							
3.Рельс пайвандлаш км/йўл							
3.1Шу жумладан, АРТ 500 да бажарилган км/йўл							
4.ПРМС-3 дефектаскоп машинаси текшируви, Км/йўл							
5.Стационарний криставина ўрнатилди, Дона							
6.Йўлдаги криставиналар таъмир, Дона							
7.Релслар ташилди (составда), Км/йўл							
8.Янги релс пайвандланди, Ангрен-Поп учун. Км/йўл							

Манба: корхона 2013-2015 йиллар асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Корхона мол-мулки, хусусий капитали ва мажбуриятлари миқдорини ўрганиш корхона мол-мулкани шаклланишида корхона ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятларининг улушларини билишга имкон беради. Бу эса корхона

молиявий ҳолатига баҳо беришда муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Қуйидаги 1.2-жадвалдан «14- сонли рельспайвандлаш поезда» Унитар корхонаси мулки, капитали ва мажбуриятлари динамикасининг таҳлилини кўришимиз мумкин.

1.2-жадвал

“14- сонли рельспайвандлаш поезда» Унитар корхонаси мулки, капитали ва мажбуриятларининг таҳлили, минг сўм.

Активмулкнинг гуруҳлари	2013-йил	2014-йил	2015-йил	Пассив Мулк манбаларининг гуруҳлари	2013-йил	2014-йил	2015-йил
1.Узоқ муддатли активлар				1.Ўзмаблағларинингманбалари			
2. Жорий активлар				2.Мажбуриятлар			
2.1. Товар моддий заҳиралар				2.1Узоқ муддатли мажбуриятлар			
2.2.Дебиторлик қарзлар				2.2. Жорий мажбуриятлар			
2.3.Пул маблағлари				2.3.Кредиторлик қарзлари			
Жами:				Жами:			

Манба: 2013-2015-йиллардаги корхонанинг бухгалтерия баланслари

Юқоридаги 1.2-жадвалда «14- сонли рельспайвандлаш поезда» Унитар корхонаси мулки, капитали ва мажбуриятлари динамикаси келтирилган бўлиб, унга кўра узоқ муддатли активлар 2013-йилда 5826501 минг сўмни ташкил қилган, 2014-йилга келиб эса 5910924 минг сўмни ташкил қилиб, утган йилга нисбатан 1,45% га ошган. 2015-йилда узоқ муддатли активлар 6137842 минг. сўмга етиб 2014-йилга нисбатан 3,84% га ортган. Жорий активлар 2013-йилда жами 353530 минг. сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса жорий активлар 969037минг. сўмни ташкил этиб, 2015-йилга нисбатан 174,1% га кўпайган. 2015-йилга келиб жами жорий активлар 1275257минг. сўмни ташкил этди, бу эса утган йилга нисбатан

31,6% га кўп. Шундан товар моддий захиралари 2013 йилда 272320 минг.сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 185,98% га кўп яъни 778794минг. сўмни ташкил қилди. 2015-йилга келиб товар моддий захиралари 482683 минг. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан -38,02% га камайди. Корхонанинг дебиторлик қарзлари 2013-йилда 78498 минг.сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 140,94% га кўп яъни 189133 минг. сўмни ташкил қилди. 2015-йилга келиб дебиторлик қарзлари 765810минг. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 304,91% га ошди. Корхонанинг ўз маблағлари манбалари 2013-йилда 38925,2 минг.сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 4% га кўп яъни 40494,6 минг сўмни ташкил қилди. 2015-йилга келиб ўз маблағлари манбалари 41518 минг. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 2,5% га ошди. Мажбуриятлар 2013-йилда 38925,2 минг.сўмни ташкил қилган. 2014-йилда эса мажбуриятлар 40494,6 минг. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 4,03% га камайган. 2015-йилда корхона мажбуриятлари 2014-йилга нисбатан 2,5% га камайиб, 41518минг. сўмни ташкил қилган.

Корхонанинг ўз ихтиёрида қоладиган соф фойдаси қорхонани қайта молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланиб, бу кўрсаткич ташқи ва ички фойдаланувчилар учун бирдек муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Корхона соф фойдаси нима ҳисобидан шаклланиганини қуйидаги 1.3-жадвал маълумотларидан билиб оламиз. Жалвалдаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, 2013-2015 йилларда маҳсулот сотишдан соф тушум сезиларли даражада ошган. 2013-йилда бу кўрсаткич 4915524 минг сўмни ташкил қилган бўлса 2014-йилда эса 37,21% га ошиб, 6744719 минг сўмни ташкил этган. 2015-йилга келиб бу кўрсаткич 19,6% га ошиб, 8066572 минг сўмга етган. Маҳсулот сотиш ҳажмига мутаносиб равишда сотилган маҳсулот таннари ҳам ошиб борган. Хусусан 2013-йилда бу кўрсаткич 4014311 минг сўмни ташкил этган. 2014-йилда эса сотилган маҳсулот ҳажми 42,16% га ошиб, 5706574 минг сўмни ташкил этган. 2015-йилда бу кўрсаткич

16,88% га ошиб, 6669760 минг сўмни ташкил этган. 2013-йилда маҳсулотлар сотишдан ялпи фойда кўрсаткичи 901213 минг сўмни ташкил этдган. 2014-йилда эса бу кўрсаткич 2013-йилга қараганда 15,19% га ошиб, 1038145 минг сўмни ташкил этган.

1.3-жадвал

Корхона молиявий натижалари кўрсаткичлари таҳлили, минг сўм

Кўрсаткичнинг номи	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2014 йил 2013 йилга нисбатан, %	2015 йил 2014 йилга нисбатан, %
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум					
Сотилган маҳсулотнинг таннари					
Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси					
Давр харажатлари					
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари					
Асосий фаолиятнинг фойдаси					
Даромад солиғини тўлангунга қадар фойда					
Хисобот даврининг соф фойдаси(зарари)					

Манба: “14- сонли рельспайвандлаш поезда” УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шакл 2013-2015 йиллар.

2015-йилга келиб эса бу кўрсаткич 1396812 минг сўмни ташкил қилган ҳолда ўтган йилга қараганда 34,55% га ошган. Бунга асосий сабаб, маҳсулот сотишдан

соф тушум ва сотилган маҳсулот таннархи кўрсаткичларининг мутаносиб равишда ошганлигидир. Давр харажатлари 2013-йилда 921248 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2014-йилга келиб эса давр харажатлари 14,28% га ошган ҳолда 1052843 минг сўмни ташкил қилган. 2015-йилга келиб эса давр харажатлари нисбатан камроқ яъни 2014-йилга нисбатан 8,78% га ошиб, 1145316 минг сўмни ташкил қилган. 2013-2014 йилларда давр харажатлари маҳсулот сотишдан ялпи фойдага нисбатан ошиб кетган, бунинг натижасида корхонанинг асосий фаолияти фойдаси кескин тушиб кетган. Асосий фаолиятнинг фойдаси 2013-йилда 6059 минг сўмни, 2014-йилда эса 3145 минг сўмни ташкил этган, 2015-йилда эса бу кўрсаткич маҳсулот сотишдан соф тушум кўрсаткичининг 19,6% га ошганлиги ҳисобидан 9235,2% га ошган.

1.3. Корхонада солиққа тортиш тизими ва унинг таҳлили

«14- сон рельспайвандлаш поезда» корхонаси умумбелгиланган солиқларни тўловчиси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 23-моддасига кўра ва ҳисоб сиёсатига биноан қуйидаги солиқ турларини ҳисоблайди ва улар бўйича тўловларни амалга оширади:

- ❖ Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- ❖ Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- ❖ Қўшилган қиймат солиғи;
- ❖ Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ❖ Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- ❖ Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- ❖ Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

“14- сон рельспайвандлаш поезди” корхонаси барча молиявий ва солиқ ҳисоботларни корхона жойлашган маҳаллий давлат солиқ инспекциясига бош корхонанинг тугалланган бухгалтерия балансини тузади ва тақдим этади.

“14- сон рельспайвандлаш поезди” Унитар корхонаси ва унинг шўъба корхоналари мустақил равишда “14- сон рельспайвандлаш поезди” корхонаси ҳисоб сиёсати ва амалдаги қонунчиликка асосланган ҳолда барча солиқлар бўйича тўловларни амалга оширадилар. Корхона тўлайдиган солиқлар таркибини ва миқдорини 1.4-жадвалда кўриб чиқамиз.

Юқоридаги 1.4-жадвалда маълумотларидан кўришимиз мўмкинки, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 2013-йилда 9598 минг сўмни ва жами солиқлар ичида улуши 0,72% ни ташкил қилган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2013-йилда 221637 минг сўмни ташкил этган ҳолда жами солиқларнинг 16,6% га тенг. ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 2014- 2013 йилларда ҳисобланмаган. 2015-йилда эса кескин равишда 20997 минг сўмни ташкил қилган. Бунга таъсир этувчи асосий омил корхона соф фойдасининг ўзгарганлигидир. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 2013-йилда 247 минг сўм, кейинги йилда эса 90,69%га ошган, яъни 471 минг сўм. 2015- йилда бу кўрсаткич 611 минг сўмни ташкил қилган. Қўшилган қиймат солиғи 2013-йилда 924560 минг сўмни ташкил этган бўлса 2015-йилда 14,87 %га ошган. Сўнгги ўч йил мобайнида ҚҚС суммаси сезиларли даражада ошган. Бунга асосий сабаб ҚҚС обороти ҳисобланувчи товар ишлаб чиқаришнинг кўпайганлигидир. Мол-мулк солиғини таҳлил қилар эканмиз 2013- йилда 206815 минг сўм, 2014 йилда 25,27% камайган бўлиб, 154549 минг сўмни ташкил қилган, 2015- йилда 1,19% ўсганлигига гувоҳ бўламиз. Бунга таъсир этган асосий омил корхонанинг асосий воситаларининг камайиши ҳамда мол мулк солиғи ставкасининг ошиши ҳисобланади. Ер солиғи бўйича ўсиш кузатилган. 2013-йилда бу кўрсаткич 63373 минг сўмга тенг бўлган бўлса 2014 йилда 43,07 % га

ошган яъни 90639 минг сўм ва 2015-йилда яна 15%га ошган. Бунинг асосий сабаби сифатида ер солиғи ставкасининг ошиб борганлигини келтириш мумкин.


1.4- жадвал

“14- сон рельспайвандлаш поезда” УК2015-2015 йилларда тўлаган солиқлар
динамикаси, минг сўм

Солиқлар турлари	Йиллар			2014/2013-йилга нисбатан		2015/2014-йилга нисбатан	
	2013- йил	2014- йил	2015- йил	(+,-)	%	(+,-)	%
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи							
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқ							
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи							
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.							
Қўшилган қиймат солиғи							
Мол-мулк солиғи							
Ер солиғи							
Буджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазо							
Бошқа солиқлар							
Жами:							

Манба: “14- сон рельспайвандлаш поезда”УКмолиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон
шаклга илова бюджетга тўловлар тўғрисида маълуматлар 2013-2015 йиллар

Қуйидаги 1.1-расм маълумотлари асосида 2013-2015 йилларда бюджетга ҳисобланган жами солиқ суммаларини йиллар бўйича таҳлил қилишимиз мумкин. Қуйидаги 1.1-расмда 2013-2015-йилларда бюджетга ҳисобланган солиқ суммалари солиқлар туралари бўйича батафсил келтирилган. «14- сон рельспайвандлаш поезда» УК тўлайдиган солиқлари орасида энг катта улуши қўшилган қиймат солиғига тўғри келади. 2013-йилда энг катта улуш қўшилган қиймат солиғига тўғри келиб, у 828539 минг сўм бўлиб, жами солиқларнинг 62,27% ни ташкил этган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2013-йилда 221637 минг сўмни ташкил этган ҳолда жами солиқларнинг 16,6% га тенг. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи жами солиқларнинг 4,76% (63373 мингсўм) ни ташкил этган.



1.1 -расм . “14- сон рельспайвандлаш поезда»УК2013-2015 йилларда бюджетга тўлаган жами солиқлар

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 2013-йилда 9598 мингсўмни ва жами солиқлар ичида улуши 0,72% ни ташкил қилган. Кейинги ўрин мол-мулк

солиғига тўғри келади, жами солиқлар ичидаги улуши 10,4% (206815 минг сўм) га тенг. Бошқа солиқлар жами солиқларнинг 0,02% (330 минг сўм) га тенг. Солиқлар ичида энг кичик улуш сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жами солиқлар ичида 0,02% (247 мингсўм) ни ташкил этган. Эгаллаган. 2014-йилда ҳам энг катта улуш қўшилган қиймат солиғига тўғри келиб, у 924560 минг сўм бўлиб, жами солиқларнинг 62,21% ни ташкил этган. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 2014-йилда 304820минг сўмни ташкил этган ҳолда жами солиқларнинг 20,51% га тенг. Юридик шахслардан олинadиган ер солиғи жами солиқларнинг 6,9% (90639 минг сўм) ни ташкил этган. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи 2014-йилда 10700 минг сўмни ва жами солиқлар ичида улуши 0,72% ни ташкил қилган. Мол-мулк солиғи жами солиқлар ичидаги улуши 10,4% (154549 минг сўм) га тенг. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жами солиқларнинг 0,03% (471 минг сўм) га тенг. Солиқлар ичида энг кичик улуш бошқа солиқлар жами солиқлар ичида 0,03% (342 мингсўм) ни ташкил этган. 2015-йилда ҳам энг катта улуш қўшилган қиймат солиғига тўғри келиб, у 1062010 минг сўм бўлиб, жами солиқларнинг 63,22% ни ташкил этган. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи 2015-йилда 304190минг сўмни ташкил этган ҳолда жами солиқларнинг 18,11% га тенг. Юридик шахслардан олинadиган ер солиғи жами солиқларнинг 6,2% (104235 минг сўм) ни ташкил этган. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи 2015-йилда 31130 минг сўмни ва жами солиқлар ичида улуши 1,85% ни ташкил қилган. Мол-мулк солиғи жами солиқлар ичидаги улуши 9,31% (156398 минг сўм) га тенг. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жами солиқларнинг 0,03% (611 минг сўм) га тенг. Солиқлар ичида энг кичик улуш бошқа солиқлар жами солиқлар ичида 0,01% (220 минг сўм) ни ташкил этган.

Биринчи боб бўйича шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки «14- сон рельспайвандлаш поезда» Унитар корхонасида товар ишлаб чиқариш ҳажми 2013-

йилда 4915524 минг. сўмни, 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 37,2% га кўп бўлиб, 6744719 минг. сўмни ташкил қилган. 2015-йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8066572 минг сўмга етиб бу 2014-йилги иш ҳажмининг 19,6% га ошган.

«14- сон рельспайвандлаш поезда» Унитар корхонаси умумбелгиланган солиқларни тўловчиси ҳисобланиб, ҳисоб сиёсатига биноан қуйидаги солиқ турларини ҳисоблайди ва улар бўйича тўловларни амалга оширади: юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи; юридик шахслардан олинadиган ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи. 2013-йилда жами 1330539 минг. сўм, 2014-йилда эса 1486081 минг. сўм, 2015-йилга келиб эса жами 1679791 минг. сўмлик солиқлар бюджетга ҳисобланган ва тўланган.

II.Боб. “14- сонли рельспайвандлаш поезде” унитар корхонаси солиқ тизимининг бухгалтерия ҳисоби ва аудити

2.1 Корхона томонидан тўланадиган умумдавлат солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатлар, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар 2007 йил 25 декабрдаги 136-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган ва 2008 йил 1 январдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан тартибга солинади. Солиқ кодексининг муҳим жихати шундаки, унда асосий тушунчаларга юоҳлар берилган, бу ҳолат солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўловчилар, солиқ агентлари, еолнқ тўловчининг вакиллари, юридик ва жисмоний шахслар, нотижорат ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркор, резидентлар ва норезидентлар, доимий муассаса ва бошқа шу каби тушунчаларни ҳар хил ўқилишини олдини олади. Ўзбекистон Республикасида ҳудудида Солиқ кодексида назарда тутилган солиқлар ва мажбурий тўловларамал қилади

Солиқлар деганда, муайян миқдорларда мунтазам ундириладиган, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Солиқ кодексининг 23-моддасида келтирилган умумдавлат солиқлари ичида корхонада қуйидаги солиқлар амал қилади:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;

4) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Ҳисоб сиёсатиға биноан “14- сонли рельспайвандлаш поезди” УҚда ўзи жойлашган ҳудуднинг солиқ идорасига солиқларни белгиланган вақтида тўлаб туради.

Корхона қуйидаги солиқларни тўлайди:

- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришсолиғи ;
- қўшилган қиймат солиғи;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Фойда солиғи Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг таркибий элементи ҳисобланиб, миллий даромадни қайта тақсимлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Мазкур солиқ бевосита солиқ бўлиб, унинг суммаси корхона хўжалик фаолиятининг пировард молиявий натижаси билан чамбарчас боғлиқдир. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг V бўлими моддалари билан тартибга солинади.

Фойда солиғи тўловчиюридик шахслар қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;
- Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромаддарни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг объектиқуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси;

- Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари.

“14-сонли рельспайвандлаш поезда” УҚда ўз солиқлари тизимини мустақил юритади. “14- сонли рельспайвандлаш” корхонаси ортиб боровчи яқун билан чиқарилган фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларни, агар қонун ҳужжатларида бошқа тартиб белгиланмаган бўлса, солиқ органидан рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ органларига йил чоракларига оид ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этади.

Корхона молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини 2002 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган янги счётлар режасига мувофиқ амалга оширади. Корхонанинг «Ҳисоб сиёсати» 1-БҲМСга асосан ишчи счётлар режаси тузилади. Янги счётлар режасига асосан солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларининг бухгалтерия ҳисоби 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби» счётларида олиб борилади. Тўлаш учун корхона фойданинг ишлатилиши ҳисобига ҳисобланган солиқлар суммаси 9810 «Фойда солиғини тўлаш» счётининг дебитида ҳисобга олинади. Муддати узайтирилган (кечиктирилган) фойда солиғи суммаси 0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи» счётининг дебитида ҳисобга олинади.

Солиқ солинадиган базажами даромад билан чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чикиб белгиланади.

Жами даромадгакуйидагилар киради:

- товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар;

- бошқа даромадлар.

Корхонанинг фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базаси куйидагича ҳисобланади:

- фойда солиғи тўлангунга қадар фойда ёки зарар
- *кушув* Солиқ кодексининг 147-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани аниқлашдаги солиқ тўловчининг чегирилмайдиган харажатлари
- *кўшув* Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари
- *айирув* Солиқ кодексининг 146-моддасига мувофиқ жорий ҳисобот даврда солиқ солинадиган базадан чегириладиган олдинги даврларда амалга оширилган харажатлар
- *айирув* Солиқ кодексининг 158-моддасига мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзлар
- *айирув* Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган суммалар
- *баробар* фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган база.

Дебет 0910 «Фойда солиғини тўлаш»

0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

“14- сонли рельспайвандлаш поезда”УК томонидан белгиланган муддатда ҳисобланган солиқ суммаси корхонанинг тўлов топшириқномасига асосан бюджетга ўтказилади. Бу ҳўжалик жараёни бухгалтерия ҳисобида куйидаги ҳисоб-китобда ўз аксини топган.

Дебет 6410 «Бюджет тўловлари бўйича қарздорлик»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Корхонада фойда солиғини ҳисоби ҳамма солиқларнинг ҳисоби олингандан кейин ҳосил бўлади. Шунинг учун фойда солиқни ҳисоблашда база қилиб умумий солиқлар ҳисоблангандан кейинги натижа олинади. Фойда солиғини ҳисоби қуйидаги счётларда юритилади.

Дебет 9810 - «Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқлар»

Кредит 6410 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини ўтказилишини қуйидаги чизмада кўриш мумкин.

Д-т	5110	К-т	Д-т	6417	К-т	Д-т	9810	К-т
(2)	(1)							
		31130			31130			

Бу ерда: 1. Юридик шахсларни фойда солиғи ҳисобланди.

2. Солиқ суммаси бюджетга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига биноан молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган Республика фуқаролари, резидентлат ва норезидентлар жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Бунда фуқаро, норезидентнинг жами йиллик даромади солиқ солинадиган даромад солиғининг объекти бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари суммаларидан олинadиган солиқлар фоизларда белгиланади.

Солиқ солиш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан бошлаб ортиб боровчи яқун тарзида ҳисобланади.

Агар жисмоний шахс асосий иш жойидан ташқари бошқа жойда ўриндошлик асосида ишласа, даромад солиғи ставкасининг энг юқори фоизи, яъни 23 % да қўлланилади.

Жисмоний шахсларнинг иш хақидан олинадиган даромад солиғининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади.

Д-т 5110 К-т	Д-т 6412 К-т	Д-т 6710 К-т
(2)	(1)	
325550	325550	

Юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган хорижий инвестицияли шахслар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти бўлиб "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 2-сон шакли 270-сатрида "Солиқ солинадиган фойда" қийматидан фойда солиғи айрилган суммаси ҳисобланади. Солиқнинг энг юқори ставкаси солиққа тортиш объектининг 7,5 % миқдорида белгиланган. Маҳаллий ҳокимият идоралари солиқни паст ставкалри бўйича тўлаши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғи. Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга

олинган ҳолда) келиб чиққан ҳолда белгиланади. “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонаси қўшилган қиймат солиғини ҳисобини юритади. Қўшилган қиймат солиғи иш ва хизматлар оборотидан 20% ставка асосида ҳисобланади. Бундан ташқари иш ва хизматларни импорт қиймати оборотидан 0% ставка асосида юритилади.

1. Мол етказиб берувчилардан хом-ашё ва материаллар олинганда қўшилган қиймат солиғи суммаси билан олинса бухгалтерия ўтказмаси:

Дебет 1010 «Хом-ашё ва материаллар»

4410 «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

2. Ижара харажатлари қўшилган қиймат солиғи билан берилганда.

Дебет 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»

4410 «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар»

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

3. “14- сонли рельспайвандлаш поезда” корхонаси ҳисобланган ҚҚС суммасига бухгалтерияда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қайд этилади.

Дебет 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар»

Кредит 6410 «ҚҚС нинг бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

4. Материал сотиб олинганда ҚҚС суммаси:

Дебет 4410-«Солиқлар бўйича бўнак тўловлари»

Кредит 6010-«Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счётлар»

5. Ҳисобот охирида ҚҚС суммаси 6410 ҳисобварақ дебетига ўтказилади:

Дебет 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Кредит 4410-«Солиқлар бўйича бўнак тўловлари»

6. Агар иш ва хизматлар сотилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари қайд этилади.

Дебет-4010 «Ҳаридор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9010-«Реализация» ҳисобварағи

Сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиғи Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига кўра 1998 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни амалга оширувчи юридик шахслар;

б) тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;

в) юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи ҳисобланади.

Қуйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар бўлмайди:

– нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи бўлади;

– Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш объектидир.

Фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми солиқ солинадиган базадир.

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиғи маҳаллий солиқ тўловларидан бири ҳисобланиб, корхона ушбу солиқни жойлашган ҳудудининг солиқ органларига тақдим этади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиғи қуйидагича ҳисобланди.

Дебит 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6419-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлиги».

Бюджетга тўланганда:

Дебет 6419-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти

Д-т 5110 К-т	Д-т 6419 К-т	Д-т 9430 К-т
(2)	(1)	
611	611	

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобланди;

2. Бюджетга ўтказилиши.

Сувдан фойдаланишни имконият даражасида тежаш мақсадида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғи киритилган.

Корхонада бюджет билан ҳисоб-китоблар аудитининг асосий мақсади солиқ ва йиғимларнинг барча турлари бўйича ҳисоблар тўғри ташкил этилиши, улар тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши, солиқ тўловларининг кечиктирилиши

сабаблари ва боқимандалар қайси счотларга ўтказилганлиги маблағлар ўз вақтида ўтказилмаганлигига айбдор шахсларга нисбатан ва йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилганлигини аниқлашдан иборатдир. Бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишда аудитор хўжаликюритувчи субектга солиқ ва йиғимлар нотўғри ҳисобланиши ҳамда улар ўз вақтида бюджетга ўтказилмаганлиги учун солиқ идоралари томонидан кўриладиган жарима ва бошқа чоралари билан боғлиқ бўлган молиявий йўқотишларнинг олдини олишга ёрдам бериши лозим.

Корхонанинг бюджет олдидаги мажбурятлари молиявий ҳисоботнинг биринчи шакли, яни “Бухгалтерия баланси” (пассив томони, иккинчи - “Мажбуриятлар” бўлими, “Бюджет бўйича қарзлар” сатри) тўғрисида ҳисоботда келтирилган (“Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот” номли иловада келтирилган бўлади). Бюджет билан корхонанинг ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисобининг 6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик” счотида олиб борилади. Ушбу счотнинг кредит томонидаги қолдиғи корхонанинг бюджет олдидаги қарзини ифодалайди. Аудиторлик текширувида даставвал ушбу счотнинг қолдиғи бухгалтерия балансидан аниқланади. Мазкур счётнинг қолдиғи Бош китоб, айланма қайтномалар билан ўзаро солиштирилади. Солиқларнинг турлари молиявий ҳисоботдаги “Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот”да келтирилган бўлади. Шунинг учун аудиторлик текшуруви бюджет тўловларига доир ҳисоб-китобнингларнинг тўғрилиги ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида ўтказиб берилишини синчиклаб текширилиши лозим.

2.2. Корхона томонидан тўланадиган маҳаллий солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити

Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги маҳаллий солиқлар амал қилади:

1. мол-мулк солиғи;
2. ер солиғи;
3. ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

Корхоналарга солиқ солиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири — корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг жорий қилиниши ҳисобланади. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўғри солиқлар таркибига киради ва моҳиятига кўра бу солиқ асосий фондлар шаклидаги ресурсларга нисбатан белгиланган солиқ ҳисобланади. Ушбу солиқ бўйича тушумлар суммаси тўлиқ маҳаллий бюджетларга тушади ва у маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

Солиқ қонунчилигига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари.

Корхонанинг мол-мулкига солинадиган солиқ, асосан, жойлардаги маҳаллий бюджетлар фойда қисмини шакллантиради. Ундирилган солиқ суммаси тенг улушларда маҳаллий бюджетларга йил мобайнида ўсиб бориш тартибда ҳисобланиб ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисобида корхона мол-мулк солиғининг суммаси ишлаб чиқариш ёки давр ҳаражатларига олиб борилади.

Мол-мулк солиғи ҳисобланганда:

Дебит 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Бюджетга ўтказилганда:

Дебит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Д-т 5110	К-т	Д-т 6410	К-т	Д-т 9430	К-т
(2)(1)					
	156398		156398		

1. Мол-мулк солиғи ҳисобланиши.

2. Мол-мулк солиғи бюджетга тўланиши

Юридик шахсларнинг мол-мулкига 2016 йил 1 январдан бошлаб 5 фоиз ставкаси бўйича солиқ солинади.

Солиқ солиш объекти бўлиб, шунингдек, меъёردаги муддатларида ўрнатилмаган ускуналарнинг қиймати ҳисобланади.

Солиқ солинadиган базани аниқлаш учун, баланс активида акс эттириладиган эскиришни чегирган ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ҳисобварақлари бўйича суммалар қабул қилинади: асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0100); узоқ муддатга ижарага олинadиган асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари; номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари; тугалланмаган қурилишни (белгиланган муддатларда қурилиши тугалланмаган объект қисмида)

ҳисобга олиш ҳисобварақлари; ўрнатишга мўлжалланган ускунани (меъёр муддатларида ўрнатилмаган ускуна қисмида) ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

Мол-мулкнинг қолдиқ қиймати ва имтиёз тақдим этиш муддатини кўрсатган ҳолда корхона мол-мулки ўртача қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ ундирилмайдиган мол-мулк рўйхати мол-мулк солиғининг ҳисоб-китобига мажбурий иловалар ҳисобланади. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи бўйича юритилади.

Балансида ижтимоий инфратузилма объекти бўлган солиқ тўловчилар бюджетга тўланадиган солиқ суммалари қуйидагича аниқлайди: Агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси Солиқ Кодекси қатъий ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўланмайди; Агар ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун харажатлар суммаси ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан кам бўлса, бюджетга тўланадиган солиқ солиқ суммаси билан ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ ҳисобланганда:

Дебет 9810-"Фойдадан ҳисобланган ва тўланадиган солиқ"

Кредит 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик"

Бу солиқ бюджетга тўланганда:

Дебет 6410-"Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик"

Кредит 5110-"Ҳисоб-китоб счёти"

Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи корхонанинг соф фойдасидан ҳисобланади:

Д-т 5110 К-т		Д-т 6412 К-т		Д-т 9810 К-т	
(2)	(1)				
	20997		20997		

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида ер солиғи маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибига киради ҳамда маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад манбаи ҳисобланади. Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади.

Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар. Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчиларидир. Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

Ер солиғи маҳаллий солиқ тўловларидан бири ҳисобланиб, корхона ушбу солиқни жойлашган ҳудудининг солиқ органларига тақдим этади. Ер солиғини базаси сифатида корхонанинг эгалигидаги, тасарруфидаги ер майдони,

фойдаланишдаги ёки ижарага берилган ер участкалари майдони қараш мумкин. Ер солиғи корхона томонидан бошқа операцион харажатлар ҳисобига қопланади.

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Ер солиғи бюджетга тўланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларини беради.

Дебет 9430-«Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Д-т 5110 К-т	Д-т 6414 К-т	Д-т 9430 К-т
(2)	(1)	
104235	104235	

1. Ер солиғи ҳисобланиши;

2. Бюджетга ўтказилиши.

Ерларнинг ҳар бир тури бўйича ер солиғи суммаси қуйидаги формулага кўра белгиланади:

$$H = S_{\text{зу}} * C_{\text{б}} * K_{\text{п}}$$

Бунда, Н- ер солиғининг суммаси, сўмларда; $S_{\text{зу}}$ - ер участкасининг майдони, га да; $C_{\text{б}}$ - гектар учун солиқнинг базавий ставкаси, сўмларда; $K_{\text{п}}$ - тузатиш коэффиценти.

Ер солиғини ҳисоблаш ҳақиқий эгалланган ер майдонига қараб амалга оширилади.

Солиқ ҳисобини аудит қилишда бир қанча меёрий ҳужжатлардан фойдаланилади, булар Солиқ Кодекси, Аудиторлик фаолиятининг миллий

стандартлари, Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун, Бухгалтерлик ҳисоби тўғрисидаги қонун, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқалар ҳисобланади.

Корхонада бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича текширувининг асосий маблағи қуйдагилар ҳисобланади:

- тўловлар ва йиғимлар алоҳида турлари бўйича маълумотномолар ва ҳисоблар;

- тегишли суммалар бюджетга ўтказилганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжатлар илова қилинган банк кўчирмалари;

- солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширувлар бўйича далолатномалар;

- бухгалтерия ҳисоби счотлари бўйича ёзувлар;

- журнал-ордерлар ва ҳисоб регистрларининг бошқа турлари;

- бош китоб;

- бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқалар.

Солиқлар ва йиғимларнинг барча турлар бўйича қуйдагилар амалга оширилади:

- ушбу ҳисоблар бўйича ички назорат тизими ҳолатини (тест ўтказиш йўли билан) баҳолаш;

- кузатиб бориш, нусха кўчириш, ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини солиштириш йўли билан солиққа тортиш базаси тўғри белгиланганлигини аниқлаш;

- кузатиб бориш ва нусха кўчириш йўли билан солиқ ва йиғимлар ставкаси тўғри қўлланилганлигини текшириш;

-кузатиб бориш, меъёрий хужжатлар билан солиштириш, текширилаётган субъект хусусиятларини ўрганиш йўли билан солиқ имтиёзлар тўғри қўлланилганлигини аниқлаш;

-кузатиб бориш, дастлабки хужжатларни ўрганиш арифметик ҳисоблаб чиқиш йўли билан сотиб олинган захиралар бўйича тўғри қопланганлигини текшириш;

-солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Корхона қайси солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилинганлигини аниқлаш керак. Солиқ идоралари ва бошқа назорат олиб борувчи идоралар томониан ўтказилган текширув хужжатлари ва якунлари билан танишиб чиқиш лозим, зеро бу олдинги даврда йўл қойилган хатоликлар тавсифини аниқлаш ва чуқур текшириш учун объектларни белгилаш имкониятини яратди.

Фойда солиғи, ҚҚС, мол-мулк солиғи, ер солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар синчковлик билан текширилади, чунки ушбу тўловларнинг буйджетга тўланадиган барча тўловлар ва йиғимлар таркибидаги нисбати каттадир, шунингдек, солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган молиявий жазолар (жарима, боқимандалар) ўрганиб чиқилади. Агар корхона ташқи иқтисодий фаолият билан шуғилланса экспорт-импорт операциялари тўғри солиққа тортилганлиги ҳам текширилади. Аудитор солиқларни уларнинг маблағига, айти фойда, давр харажатларига, сотувни камайтиришга тўғри ўтказилганлигини текшириши лозим. Текширув жараёнида солиқлар ва йиғимларнинг барча турлари бўйича ҳисобот даврининг охирига айланмалар ва қолдиқ тўғри чиқарилганлиги аниқланади. Бунинг учун тўловларнинг ҳар бир тури бўйича тахлилий ҳисобот кўрсаргичлари журнал-ордерлари ва ҳисоботнинг бошқа регистрлари, бош китоб ва баланснинг 6400,6500-счотлари гуруҳи маълумотлари билан солиштирилади. Текширув

вақтида аниқланган камчилик ва хатоликлар аудиторнинг ишчи хужжатларида аудиторлик ҳисоботида қайт этилади.

Одатдаги хатоликлар:

- солиқлар ва йиғимлар бўйича солиққа тортиладиган база нотўғри ҳисобланиши;

- солиқлар ва йиғимлар бўйича қўлланиладиган имтиёзлар нотўғри белгиланиши;

- бухгалтерия ҳисоботини тегишли равишда юритмаслик (сотувдан тушумларни, харажатларни нотўғри акс эттириш айрим солиқлар, жарима ва боқимандаларни харажатлар ҳисоби счотига, фойдага ва бошқаларга нотўғри ўтказиш);

- тўлов ва йиғимларни бюджетга белгиланган тўлов муддатларига риоя қилмаслик.

Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявиж аҳволини ҳаққоний ёритади ва хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ деган фикрга келганда ижобий аудиторлик хулосаси тузилиши керак. Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида, агар хўжалик юритувчи субъект томонидан бартараф этилмаса, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитиши мумкин бўлган бузилишлар мавжуд деган фикрга келса, салбий аудиторлик хулосаси тузилиши керак.

Корхонада солиқлар ҳисоб китобларини ҳисобга олишда манба бўлиб бирламчи хужжатлар асосида тузилган йиғма хужжатлар хизмат қилади. Ҳисоб китоблар электрон тарзда “1С.Предприятие” ва “Microsoft Excel” дастурларида амалга оширилади. Ҳисобот даври якунида барча солиқ турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоботлар тузилиб, солиқ инспекциясига электрон тарзда топширилади.

III.Боб. “14- сон рельспайвандлаш поезди” корхонасининг солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш йўллари

3.1. Корхонада солиқ тизими ва молиявий натижалари ўртасида ўзаро боғлиқлиги

«14- сон рельспайвандлаш поезди” корхонасининг фаолият юритиши натижасида оладиган даромадлари, шунга мос равишда қиладиган харажатларини ҳисоблаш ва улар орасидаги фарқни билиш корхона учун асосий натижавий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Чунки корхонанинг молиявий натижасига қараб унинг қандай имкониятларга эгалигини белгилаш мумкин. Шундай экан корхона фаолияти натижасини билиш энг муҳим ва асосий кўрсаткичлардан биридир. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳолати, унинг қай даражада эканлиги нафақат ички фойдаланувчиларни қолаверса ташқи фойдаланувчиларни доимо қизиқтириб келган. Корхонанинг натижавий кўрсаткичларига қараб унинг барқарорлигини, тўлов қобилиятини ва келажагини билиш мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг молиявий натижаси бевосита унинг молиявий фаолиятига ҳам боғлиқ қолмоқда. Шу туфайли бир қанча кўрсаткичлар корхонанинг молиявий фаолияти билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Булар жумласига, уюшма ва шуъба корхоналаридан олинган дивидендлар, бошқа олинган дивидендлар, уюшма ва шуъба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар, бошқа тўланган ва олинган фоизлар, валюта курси фарқи, молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар киради. Ушбу кўрсаткичларни корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаларига қўшиб корхона умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси аниқланади. Ушбу

кўрсаткич корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг
тўртинчиси бўлиб ҳисобланади.

Солиқ ҳисоби ва солиққа тортишни корхона молиявий фаолиятига таъсирини қуйидагича баҳолаш мумкин:

- Бевосита таъсири
- Билвосита таъсири

Бевоситатаъсирибукорхонафаолиятибиланбоғлиқбўлгансолиқларнингдоимийваўсибборувчитарздагитаъсиридир. Бунгадаромадсолиғи, ҚҚС, акциз, инфратузилманиривожланриш, ишхақибиланбоғлиқсолиқларҳисобивабошқашукабисолиқларнингҳисобланишибиланюзагакелганхаражатлартаъсириҳисобланади.

Билвоситатаъсиргамисолтарикасидакорхонабухгалтерияситомониданхатоликкайўлқўйилишиоқибатидахисоботларнингтўғри топширилишиёкисоликлартўловиникечиктирганликучунтўланадиганпеняважарималарҳисобигаюз агакелган харажатларҳисобланади.

Солиқбўйичахаражатларкорхонамолиявийҳолатигақуйидагичаўзтаъсири ниўтказди.

Махсулоттаннархигакирувчисолиқхаражатларигажисмонийшахсларнингдаромадсолиғи, пенсияфондигаажратмалар, ишхақифондидан 25 фоизлиягонаижтимоийтўловгаажратма, ҚҚС (қўшилганқийматсолиғи). Давр харажатларитаркибигакирувчисолиқхаражатлари, жисмонийшахсларнингдаромадсолиғи, пенсияфондигаайратмалар, ишхақифондидан 25 фоизлиягонаижтимоийтўловгаажратма, сувресурслариданфойдаланганликучунсолиқ, ерсолиғи, мол-мулксолиғи, солиқпеняважарималарикиради.

Юридикшахсларнингфойдасолиғиалоҳидафойдасолиғиҳисобварағидаюритил адивашубиланбиргаободонлаштиришваинфратузилманиривожлантиришсолиғ ихамбошқасолиқватўловларбиланбоғлиқхаражатларҳисобварағидаюритилади .

Ушбумаълумотларданкорхонанингмолиявийнатижалариниифодаловчикўрсаткичлартизиминишакллантиришмумкин.

Корхонамолиявий ҳолати ва солиқ ҳисоби бўйича кўрсаткичларнинг ўсишигатаъсир қилувчи омилларни бирма бир кўриб чиқиш орқали уларнинг хусусиятига қараб камайтириш ёки кўпайтириш орқали қандай натижаларга эришилиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

Келтирилган 3.1-жадвалда давр харажатлари таркиби гакирувчи солиқларнинг давр харажатлари таркиби даги улуши ни кўриб ўта миз.

3.1-жадвал

Солиқларнинг давр харажатлари таркиби даги улуши, минг сўм


Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2014/2013 ўзгариш		2015/2014 ўзгариш	
				(+;-)	%	(+;-)	%
Давр харажатлари жами (минг сўм)							
Сув ресурсларидан фой- даланганлик учун солиқ							
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ							
Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи							
Бошқа солиқлар							
Жами солиқлар (минг сўм)							
Давр харажатлари даги улуши (%)							

Манба: “14- сон рельспайвандлаш поезди” УҚмолиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклга илова бюджетга тўловлар тўғрисида маълумотлар 2014-2015 йиллар

Юқоридаги 3.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давр харажатлари йилдан йилга ошиб борган. Қизиқарли томони шундаки жами солиқларнинг давр харажатлари даги улуши 2013-йилда 23,72% ни ташкил

этган, 2014-йилда эса 28,33%га ошган ва 2015-йилда эса 23,04%га тушган. Ушбу кўрсаткичнинг энг асосий омилларидан бири бу сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқоганлиги. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи 2013-йилда 63373 минг сўмни ташкил этган бўлса 2014-йилда 43,02% га ошган. 2014-йилга нисбатан 2015- йилда 15%га кўпайган. Жами солиқлар миқдорининг давр харажатларидаги улуши 2013-йилда 218493 минг сўмни ташкил этган. Демак корхонада Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ миқдори бошқа солиқларга нисбатан ўсиш кузатилган.

Солиқларнинг давр харажатларидаги улушини қуйидаги диаграмма 3.1-расморқали кўриш мумкин:



3.1-расм. Солиқларнинг давр харажатлари таркибидаги улуши

Юқоридаги 3.1-расмда тасвирланганидек, давр харажатлари бир маромда ўсиб бормокда жами солиқлар миқдори эса бироз ўсгандан сўнг яна кўтарилган. Бунга таъсир этган асосий омил сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва

ер солиғининг сезиларли даражада ўсганлигидир. Мол-мулк солиғининг ўсишига таъсир этган омил эса корхонага қўчимча асосий воситалар жалб этилганлигидир. Корхоналарни солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати, корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган солиқларнинг унинг ихтиёрида қоладиган соф фойдасига таъсирининг таҳлилини қўйидаги 3.1-жадвалда кўриш мумкин.

3.2-жадвал

«14- сон рельспайвандлаш поезда» УК да тўланадиган солиқларнинг корхона молиявий ҳолатига таъсири, минг сўм

Кўрсаткичлар	2013-йил	2014-йил	2015-йил	2015 йил 2013 йилга нисбатан ўзгариши	
				+/-	%
Солиқ тулагунга қадар фойда					
Фойда солиғи ва бошқа солиқлар					
Фойда солиғи ва бошқа солиқларнинг солиқ тулагунга қадар фойдаги улуши.%					
Корхона соф фойдаси					

Манба: «14- сон рельспайвандлаш поезда» УК молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шакл 2013-2015 йиллар.

Юқоридаги 3.1-жадвалда корхона фойдасидан тўлайдиган солиқларнинг унинг ихтиёрида қоладиган соф фойдасига таъсири йиллар бўйича келтирилган. Унга кўра 2013-йилда солиқ тўлагунга қадар фойда 6059мингсўмни ташкил этган. Шундан 158,41% яъни 9598 мингсўми фойдадан олинадиган солиқларга тўғри келади. 2014- корхона солиқ тўлагунга қадар фойдаси ўтган 2013-йилга қараганда 48,1%га камайиб, 3145минг сўмни ташкил этган. Бунга сабаб 2014-йилда давр харажатларининг ўтган йилга нисбатан 14,28% га яъни 1052843мингсўм га

ошганлиги бўлган. Аммо солиқ тўлагунга қадар фойданинг 48,1% га камайганига қарамасдан фойда солиғи суммаси нисбатан кўпроқ яъни 11,48% га ошган, бу шундан далолат берадики солиқ тўлагунга қадар фойдани аниқлашда солиқ мақсадларида чегирилмайдиган харажатлар ҳам чегирилган. 2015-йилда солиқ тўлагунга қадар фойда 293592 мингсўмга тенг бўлиб, ундан 17,75% ни яъни 52127 мингсўмини фойда солиғи ва бошқа солиқлар ташкил қилган.

Ушбу бўлимда солиқларнинг корхона молиявий ҳолатига таъсирини, хусусан, давр харажатлари таркибига кирувчи солиқларнинг давр харажатлари таркибидаги улуши кўриб чиқиди ва ижобий ҳолат кузатилди.

3.2. Корхонанинг солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш йўллари

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ юкига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва уларни иқтисодий-статистик таҳлил қилиб, керакли хулосаларни чиқариш давлат нуқтаи назаридан ҳам, корхона нуқтаи назаридан ҳам объектив долзарб масалалардан ҳисобланади.

Корхоналарда солиқ юкини ҳисоблашнинг замонавий ҳолати мамлакатимизда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган услубиёт асосида ҳисобланади. Унга кўра солиқлар ва тўловлар хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот сотиш ҳажмига нисбатан ҳисобланади.

У қуйидагича:

$$C_{\text{ю}} = \frac{\text{Солиқлар ва тўловлар}}{\text{Маҳсулотлар сотишдан соф тушум}} \cdot 100\%$$

Бу ерда: $C_{\text{ю}}$ – хўжалик юритувчи субъектдаги солиқ юки.

Қуйидаги жадвалда корхонанинг солиқ юки келтирилган:

3.3-жадвал

Корхонада солиқ юкининг динамикаси, минг сўм

Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	Фарқ	
				2014/2013 йилга нисбатан	2015/2014 йилга нисбатан
Солиқ суммаси, минг сўм					
Махсулотлар сотишдан соф тушум, минг сўм					
Солиқ юки %					

Манба: “14- сон рельспайвандлаш поезда” УҚмолиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклга илова бюджетга тўловлар тўғрисида маълуматлар 2014-2015 йиллар

Юқоридаги 3.3-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, солиқ юки 2015-йилда энг паст яъни 3,27% эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу даврда даромадлар ҳам энг юқори нуқтага яъни 8066572 минг сўмга тенг эканлигини кўришимиз мумкин. Солиқ юки 2013 йилда махсулотлар сотишдан соф тушумнинг 4,44%ни ташкил қилган ва бу фоиз 2014 йилда нисбатан 0.02% га кўп. 2015-йилга келиб эса пасайиш юз берган, яъни солиқ юки 2014 йилга нисбатан -1,15% га камайган 3,27% ни ташкил қилган. Бу ҳолатни корхонананинг жами солиқлар сўммаси ҳажми камайганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Солиқларнинг камайтирилиши ҳамма вақт ҳам корхона учун ижобий наф келтирган, чунки солиқ ҳисобининг яхшиланиши билан корхонада ўз ишчиларини қўшимча моддий рағбатлантиришга, мукофотлар беришга имкон

яралади. Бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун рағбат ҳозирги кунда ўта зарур нарс ҳисобланади.

Солиқ юки дейилганда ҳисобот даврида корхона томонидан бюджетга тўланган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг суммаси тўшунилади. Аммо барча солиқларнинг ҳам юки корхона зиммасига тушмайди. Хусусан билвосита солиқларнинг юки маҳсулот, иш ва хизматларнинг сўнги истеъмолчиси зиммасига тушади.

«14- сон рельспайвандлаш поезда» Унитар корхонасида солиқлари орасида энг катта улуши қўшилган қиймат солиғига тўғри келади. 2013-2015 йилларда энг катта улуш қўшилган қиймат солиғига тўғри келиб, у жами 2815109 минг сўмни ташкил этган. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи уч йил мобайнида 830647 минг сўмни ташкил этган. Юридик шахслардан олинadиган ер солиғи жами 258247 минг сўм ни ташкил этган. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи 2013-2015 йилларда жами 51428 минг сўмни ташкил қилган. Мол-мулк солиғи жами 517762 минг сўмга тенг. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жами 1329 минг сўмни ташкил этган. Солиқлар ичида энг кичик улуш бошқа солиқлар жами 892 минг сўмга тенг.

Солиқ юки дейилганда ҳисобот даврида корхона томонидан бюджетга тўланган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг суммаси тўшунилади. Аммо барча солиқларнинг ҳам юки корхона зиммасига тушмайди. Хусусан билвосита солиқларнинг юки маҳсулот, иш ва хизматларнинг сўнги истеъмолчиси зиммасига тушади. Қўшилган қиймат солиғи истеъмолчилардан ундирилади ва бюджетга ўтказиб берилади. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳам ходимларнинг иш ҳақидан ҳисобланиб, ушлаб қолинади. Корхона ўз харажатлари ҳисобидан тўланадиган солиқларнинг энг катта суммаси ер солиғига тўғри келади. Шунинг учун ҳам, корхонада ер солиғи харажатларини камайтириш муҳим ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида транспорт соҳасида хусусан темир транспортида катта кўламда бунёткорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мана шундай бунёткорлик ишлари даврида “14- сон рельспайвандлаш поезда” Унитар корхонаси каби саноат корхоналарининг урни муҳим.

“14- сон рельспайвандлаш поезда” Унитар корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2013- йилда 4915524 минг сўмни, 2014-йилда эса ўтган йилга нисбатан 37,21% га кўп бўлиб, 6744719 мингсўмни ташкил қилган. 2015-йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8066572 мингсўмга етиб бу 2014-йилги иш ҳажмига нисбатан 19,6% га кўпдир. 2013-йилда жами 661,1 км/й рельс пайвандланган бўлиб, бу 2014- йилда эса 1,72% га кўп, яъни 672,44 км/й бажарилган. Жумладан, 596 км/й АРТ-500А машинасида бажарилган бўлиб, 2015-йилда эса 42,2% камайган. ПРМС-3 дефектаскоп мошинаси текшируви 2013-йилда 135км/йўл бажалиган бўлиб, бу 2014- йилга нисбатан 1,13 % га кам, 135,18 км/йўл ни ташкил қилган. 2015- йилда эса 141,84 км/йўл , яъни ўтган йилга нисбатан 5,06% га кўп бажарилганини кўришимиз мумкин. 2013 йилда 262 та стационар крестовиналар ўрнатилган бўлиб, бу 2014- йилга нисбатан 18 тага яъни 6,87 % га кўп, 2015 йилда эса 2014 йилга нисбатан 3,9% га кўп бажарилган бўлиб 291 тани ташкил қилган. Йўлдаги крестовиналар тамири 2013 йилда 2316 тани ташкил қилиб, 2014 йилга нисбатани 11,83% га яъни, 245 тага кўп. 2015 йилда эса

2494 та та`мирланган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 7,68% га яъни 178 тага кўплигини кўришимиз мумкин. 2013 йилда Ангрен- Поп темир йўл линиясини учун 57,863 км/йўл янги релс пайвандланди. Бу 2014 йилга нисбатан 219,6% га кўп. 2015- йилда эса ўтган йилга нисбатан 59,05 % кам яъни 23,695 км/йўл пайвандланган.

Жумладан корхона томонидан 2013-йилда жами 1330539 минг сўм, 2014-йилда эса 1486081 минг сўм, 2015-йилга келиб эса жами 1679791 мингсўмлик солиқлар бюджетга ҳисобланган ва тўланган.

Корхона томонидан тўланадиган солиқларни таҳлил қилиб шундай хулосага келдикки энг кўп миқдорда тўланадиган солиқ бу қўшилган қиймат солиғи бўлмоқда. Бунинг асосий омили сифатида корхонанинг қўшилган қиймат солиғига обороти ҳисобланадиган товарларни катта ҳажмда ишлаб чиқариши ҳисобланади. Кейинги ўринларда маҳаллий солиқлар эгаллаган. Бу ҳолат корхонанинг йирик ҳажмдаги мол-мулкка эгалик қилиши туфайлидир.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида корхонанинг асосий иқтисодий фаолиятига тавсиф ва уларга таҳлил келтирилди. Жумладан корхона тўлайдиган солиқлар таркиби ўрганилиб 2013-2015 йилларда корхона томонидан амалга оширилган солиқ суммалари миқдори таҳлил қилинди. Иккинчи бобда корхона томонидан тўланадиган умумдавлат солиқларининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили ўрганилди. Корхона ҳисоб сиёсатида биноан қуйидаги солиқларни тўлайди. Булар қуйидалар: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи; юридик шахслардан олинадиган ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларини тўловчиси ҳисобланади. Учинчи бобда Корхонада солиқ тизими ва молиявий ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва солиқ юкини камайтириш йўллари ўрганиб чиқилди. Бунда

корхонанинг солиқ юки миқдори ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, хулосалар чиқарилди.

Битирув малакавий иши бўйича қилинган хулосалар асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- Солиқларни тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида солиқларни бюджетга тўлаш. Бу эса корхонанинг пеня тўлашдан сақланишга ёрдам беради. Зеро, корхонада сўнгги уч йил ичида қарийб 34209 минг сўмлик жарима ва пенялар ҳисобланган.
- Корхонанинг фойда солиғи базасига ҳам таъсир ўтказадиган Солиқ кодексининг 147-моддасига асосан чегирилмайдиган харажатларни камайтириш керак.
- Корхонанинг тушумида экспорт улушига эга бўлиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Агар корхона экспорт ҳажмини кўпайтира олса бир неча солиқ турлари ставкалари бўйича имтиёзларга эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “ Ўзбекистон Республикасининг 2015-йилги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш натижалари ва 2016-йилги вазифалар тўғрисида ”— Тошкент “Халқ сўзи”, 2016-йил 16-январь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун. — Тошкент 1996й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси”. —Тошкент. 2016й.
4. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси, 2007-2016 йиллар
5. “Махсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ҳаражатлар таркиби ва молиявий натижаларни шаклланиш тартиби тўғрисида Низом » -Т.:1999й.
6. Иткин.Ю.М., Сотиволдиев А.С., Тўлахўжаева М.М., Гадоев Э.Ф. “Замонавий бухгалтерия ҳисоби”.—Т.:,2008 й.
7. Ф.Г.Ғуломова «Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма».- Т.:«НОРМА», 2013й
8. М. Умарова , “Бухгалтерия ҳисоби”,- Т.:, 2005 й.
9. Силаев Н.И. «Темир йул транспорти молияси».- Т.: Академия, 2007 й.
- 10.А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлокулов «Бухгалтерия ҳисоби».- Т.: Шарқ нашриёти, 2004 й.
- 11.А. Жўраев, Ш. Тошматов, О.Абдурахманов “Солиқлар ва солиққа тортиш”. - Т.: Норма 2009 й.

- 12.Воҳобов А., Иброҳимов А., Ишонқулов Н. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”,- Тошкент “Шарқ”, 2012 й.
- 13.Жўрайев А., Воҳобов А. “Солиқ ва солиққа тортиш”. Ўқув қўлланма— Тошкент, 2009 й.
- 14.Солиқ ва божхона хабарлари газетаси .—Т., 2013-2016й.
- 15.Солиқ Инфо газетаси.—Т.,2013-2016 й.
- 16.Интернет сайтлари:
 - <http://www.gov.uz>.
 - <http://www.ziynet.uz>.
 - <http://www.nalog.uz>.
 - <http://www.tashiit.uz>
 - <http://www.lex.uz>
 - <http://www.uzrailway.uz>